



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

И.Б.Маттиев – СамИСИ профессори, DSc

Феруз Нематуллаевич Абилов Қишлоқ ҳудудларида агросервис хизматларини кўрсатувчи инсон ресурслари фаолиятини такомиллаштириш	69
Нажмиддин Раҳматуллаевич Абдувоҳидов Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринларини яратишда сохта иқтисодиёт ва уни баргараф этишнинг амалий йўналишлари	74
Мурод Нозирович Ибрагимов Перспектива развития услуг по внедрению стандартов GxP в Узбекистане	79
Рустам Алижонович Мусабоев Подходы к стратегическому планированию развития сферы бытовых услуг республики узбекистан	84
Ulug'bek Ziyadullayevich Narmurodov Pochta va kuryerlik xizmat ko'rsatishni rivojlantirish holati va tahlili (Samarqand viloyati misolida)	88
Тўлқин Исматулла ўғли Яхёев Қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналар самарадорлигини баҳолашни ва таҳлил қилиш усуллари такомиллаштириш	94
Shohina Xujmaxmatovna Pirova Ichimlik suvi ta'minotini rivojlantirishda xorijiy mamlakatlar tajribasi	98
Nodira Abdullayevna Eshquvvatova Xizmat ko'rsatish korxonalarida iqtisodiy resurslardan foydalanish samaradorligini baholash	102
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Ўзбекистонда музей туризмни бозорини ривожлантириш йўллари	107
Дилбар Хасановна Асланова, Маликабону Фуркатовна Раупова Совершенствование организационно-экономического механизма развития малого гостиничного бизнеса	113
Темурбек Бобурмирзо ўғли Саломов Зиёрат туризмида кўрсатиладиган хизматлар турларини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва тавсифи	116
Райхона Садриддиновна Амриддинова Ребрендинг как стратегический инструмент повышения конкурентоспособности гостиничных предприятий	121
Ikrom Abdurashitovich Shukurov Turizm sohasining barqaror rivojlantririshda ekonometrik modellashtirishning xorij tajribasi	124
Sarvar Adxamovich Abduxamidov Turistik mintaqalar: ularni tashkil qilish va rivojlantirishda rayonlashtirish xususiyatlari	130
Дониёр Журакулович Абдуразаков Туризм қишлоғи концепцияси ва унинг назарий-илмий тавсифлари таҳлили	135
Mekhruza Sukhrobjon qizi Vafokulova The role of family-owned businesses in the sustainable development of tourism in Samarkand	138
Diyora Narzieva Modern approaches to the development of cultural tourism	144
Sadoqat Quدراتовна Bultakova Xizmatlar sohasini diversifikatsiyalashning Yaponiya tajribasi	150

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.У. Таҳрир хайъати: Т.Мирзанов (раҳбар) вабошқалар; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 97 б.

<p>О.Пардаев</p> <p>Теоретические вопросы высокотехнологичных услуг и их применение в сфере коммунального хозяйства</p> <p>Аннотация. В статье изучаются теоретические вопросы высокотехнологичных услуг и вопросы, связанные с их применением в сфере коммунального хозяйства. В этой связи изучаются теоретические вопросы высокотехнологичной услуги, разрабатывается ее определение и раскрывается ее содержание. Рассмотрено применение высокотехнологичных услуг во всех отраслях, в том числе и в коммунальном хозяйстве, в условиях современной инновационной и цифровой экономики, то, что данные услуги являются видом специальных услуг, оказываемых на основе современных и передовых технологий, и их специфические особенности, разработан ряд научных рекомендаций.</p> <p>Ключевые слова: коммунальное хозяйство, услуги, предоставление услуг, высокие технологии, высокотехнологичная услуга, инновации, цифровизация, цифровая экономика, электроснабжение.</p>	<p>O.Pardaev</p> <p>Theoretical issues of high-tech services and their application in the sphere of public utilities</p> <p>Abstract. The article studies theoretical issues of high-tech services and issues related to their application in the sphere of public utilities. In this regard, the theoretical issues of a high-tech service are studied, its definition is developed and its content is disclosed. The application of high-tech services in all industries, including public utilities, in the context of a modern innovative and digital economy is considered, the fact that these services are a type of special services provided on the basis of modern and advanced technologies, and their specific features, a number of scientific recommendations are developed.</p> <p>Keywords: public utilities, services, provision of services, high technologies, high-tech service, innovations, digitalization, digital economy, electricity supply.</p>
--	--

Феруз Нематуллаевич Абилов – Самарқанд вилоят ҳокимининг Қишлоқ ва Сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, СамИСИ тадқиқотчиси

ҚИШЛОҚ ХУДУДЛАРИДА АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КўРСАТУВЧИ ИНСОН РЕСУРСЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

<p>Аннотация. Мақолада қишлоқ ҳудудларида агросервис хизматларини кўрсатувчи инсон ресурслари фаолиятини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилишнинг. Агросервис хизматларини амалга оширишда инсон ресурсларининг ҳудудлар кесимида жойлашуви ҳам алоҳида аҳамиятга эгалигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида доимий аҳолининг ўсиш суръати ва унда қишлоқ аҳолисининг 2010-2024 йиллар давомида ўзгариши бўйича маълумотлар таҳлили ҳам келтирилган. Шунингдек, инсон ресурслари малакасини агросервис нуқтаи назаридан такомиллаштириш масалаларига ҳам ёритилган.</p> <p>Калит сўзлар: қишлоқ ҳудудлари, шаҳар ҳудудлари, агросервис хизматлари, инсон ресурслари, доимий аҳоли, қишлоқ аҳолиси, экологик брқарорлик, таълим, соғлиқни сақлаш, агрокластерлар.</p>

Кириш. Инсон ресурслари иктисодиётнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатади. Булардан бири қишлоқ ҳудудларида агросервис хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолиятини такомиллаш-тиришга қаратилад. Чунки, Президентиз таъкидлаганидек, “Сўнгги ўн йилликда сайёрамизда сув танқислиги, қурғоқчилик, экстремал ҳараратларнинг тез-тез рўй бериши каби табиий офатлар сони кўпайди. Масалан, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ҳар йили ўртача 100 та шундай ҳодиса кузатилган бўлса, сўнгги йилларда бу кўрсаткич 400 тага етди. Бу эса ўз навбатида, аграр тармоқда маҳсуот етиштириш ҳажмининг камайиши, даромадларнинг пасайишига олиб келмоқда, қишлоқ

хўжалик маҳсулотларининг сифати, миқдори ва озуқавий қийматига путур етказмоқда”¹. Ушбу ҳолат халқимизга озиқ-овақат маҳсулотларини барқарор етказиб беришга ва шу билан бирга глобал савдога ҳам тўсиқ бўлмоқда.

Юқоридаги ҳолат дунё миқёсида миллионлаб аҳолининг ҳаётига салбий таъ сиркилмоқда. “БМТ маълумотларига кўра, айти пайтда дунёдаги 22 та давлатда озиқ-овқат танқислиги кузатилмоқда. Халқаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти эса ҳозирги пайтда Ер юзиди 122 миллион киши очликдан азият чекаётганлиги ҳақида бонг урмоқда”². Кўриниб турибдики, бугунги кунда аграр соҳ дунё миқёсида хатарли ҳолатда. Шу туфайли ушбу соҳани жадал ривожлантириш зарурияти бизда ҳам кучли бўлиши керак. Бунда агросервис хизматларининг ҳам роли катта. Ушбу соҳани ривожлантиришда инсон ресурсларининг роли ҳам беқиёс. Шу тфайли ушбу мавзу бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Тадқиқот методологияси. қишлоқ ҳудудларида агросервис хизматларини кўрсатувчи инсон ресурслари фаолиятини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилишда мантиқий таҳлил, индукция ва дедукция, макон ва замон, иқтисодий таҳлил ва синтез каби услублардан ва ёндошувлардан фойдаланилган. Бунда мантиқий таҳлил усулларини қўллаган ҳолда, мамлакатимиздаги аҳвол изоҳланган.

Таҳлил ва натижалар. Инсон ресурслари аналитикасида уларни ҳудудлар ва мамлакат миқёсида баҳолаш масаласи ҳам нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослиги, у ердаги ходимларнинг ҳам бир маъромда эмаслиги масаланинг долзарблигини янада оширади. Чунки бир жойда ишсизлар кўп бўлса, иккинчи ҳудудда ишсизлар кам. Бир жойда иш ўринлари кўп яратилаётган бўлса, айрим ҳудудларда бунга катта эҳтиёж бўлишига қарамасдан иш ўринларининг яратилиши анча суст. Шу туфайли инсон ресурсларини ҳудуд миқёсида таҳлил қилиш объектив зарурият ҳисобланади.

Энг аввало инсон ресурсларини қишлоқ ва шаҳарлар миқёсида таҳлил қилинади. Чунки қишлоқдаги иш билан шаҳардаги ишлар бир-бири билан фарқ қилади. Қишлоқларда одамлар асосан қишлоқ хўжалиги ишлари жисмоний меҳнат қилиш билан банд бўлса, шаҳарларда асосан ақлий меҳнат, техника ва технологиялар билан банд бўлади. Шунга мос равишда меҳнатнинг ҳам, меҳнат қилувчи инсон ресурсларининг ҳам ўзига хос хусусиятлари шаклланади. Ушбу тақсимот қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Инсон ресурсларининг ҳудудлар кесимида жойлашуви

Иккинчи йўналиш ҳар бир ҳудуднинг ўзига мос кадрлар билан таъминланиши ҳақида гап кетади. **Қишлоқ ҳудудига** ҳам қуйидаги йўналишларда кадрлар керак бўлади:

- қишлоқ мактаблари учун ўқитувчилар;
- агрономлар ва бошқа соҳага мос мутахассислар;

¹ Мирзиёев, Шавкат Мирамонович. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2024. – 327 бет.

² Ўша жойда. 327 бет.

- ветернария ходимлари;
- деҳқонлар;
- тракторчи ва бошқа механизация ишлари билан шуғулланувчилар;
- чорвадорлар;
- боғбонлар ва ҳ.к.

Шаҳар ҳудудларига биринчи галда зарур бўладиган кадрларга қуйидагилар киради:

- инженер-механиклар;
- мактаб ўқитувчилари;
- олий ва ўрта махсус таълим ташкилотлари ўқитувчилари;
- ишчи ва хизматчилар;
- хизмат соҳаси ходимлари;
- тиббиёт соҳаси ходимлар;
- ва ҳ.к.

Инсон ресурслари аналитикасида, ушбу йўналишлардаги кадрларнинг ҳаммаси бўйича қанча кераклиги ва қай даражада банд бўлганлик даражаси ҳам ўрганилади.

1 – жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида доимий аҳолининг ўсиш суръати ва унда қишлоқ аҳолисининг 2010-2024 йиллар давомида ўзгариши бўйича маълумотлар¹

Йиллар	Ўзбекистон Республикаси			Самарқанд вилояти		
	Жами	шундан: қишлоқ аҳолиси		Жами	шундан: қишлоқ аҳолиси	
		сони, минг киши	улуши, %		сони, минг киши	улуши, %
2010	28 001,4	13 575,5	48,4	3119,0	1958,6	62,7
2011	29 123,4	14 226,0	48,8	3270,8	2068,2	63,2
2012	29 555,4	14 412,2	48,7	3326,2	2025,0	60,8
2013	29 993,5	14 623,4	48,7	3380,9	2068,2	61,1
2014	30 492,8	14 937,6	48,9	3445,6	2120,8	61,5
2015	31 022,5	15 274,5	49,2	3514,8	2177,8	61,9
2016	31 575,3	15 611,4	49,4	3583,9	2228,6	62,1
2017	32 120,5	15 869,7	49,4	3651,7	2278,9	62,4
2018	32 656,7	16 124,0	49,3	3720,1	2329,3	62,6
2019	33 255,5	16 448,8	49,4	3798,9	2384,2	62,7
2020	33905,2	16 761,1	49,4	3877,4	2439,1	62,9
2021	34 558,9	17 048,5	49,3	3 947,7	2 489,0	63,0
2022	35 271,3	17 335,6	49,2	4 031,3	2 548,2	63,2
2023	36 024,9	17 654,0	49,0	4 118,2	2 605,2	63,3
2024	36 799,8	18 028,7	49,0	4 208,5	2 665,6	63,3

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Ўзбекистон Республикасида 2010 йилда жами аҳолининг 48,4 фоизи, 2020 йилда ҳам жами аҳолининг 49,4 фоизи, Самарқанд вилоятида 2010 йилда 62,7 фоизни, 2020 йилда эса 62,9 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилган бўлса, 2024 йилга келиб ушбу кўрсаткич мос рвишда 49,0 ва 63,3 %ни ташкил қилган. Кўриниб турибдики, қишлоқ аҳолисининг улуши мамлакатимизда бир мунча ошган бўлсада Самарқанд вилоятида қисқарган. Ушбу ҳолат мамлакатнинг қишлоқ жойларда яшаётган аҳолиси учун муносиб турмуш тарзини яратиш заруратини янада кучайтиради. Шу сабабли қишлоқ жойларда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш аҳоли учун муносиб иш ўринларини яратиш муҳим бўлишига қарамасдан

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

жами иқтисодиётда банд аҳоли сони бўйича таққослаганда 2024 йилда 45,1 фоизини ташкил этган. Бу рақамлар шундан далолат берадики йилдан йилга қишлоқ жойларда бандлар улуши пасайиб бормоқда. Бундай сабабларга қишлоқ жойларда даромад ва иш ҳаққининг пастлиги, натурал шаклда ҳақ тўлаш, иш вақтининг меёрдан ортиқлиги кабилар инсон омилидан унумли фойдаланилмастлигига таъсир этмоқда.

Қишлоқ ҳудудларда аҳоли бандлигини ошириш учун бир қанча чора тадбирларни амалга оширишни тақозо қилмоқда. Булардан муҳим йўналишлардан бири **қишлоқ ҳудудларда инсон ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо қилади**. Ҳозирги пайтда қишлоқ аҳолиси асосан деҳқончилик, чорвачилик, пиллачилик каби ишлар билан шуғулланишади. Бу ерда ҳам замонавий технологияларни жорий қилиш эвазига аграр соҳадаги меҳнатнинг характери ўзгариб, қисман индустриал меҳнатга айланиб боришни тақозо қилади. Натижада агросервис билан бирга агросаноат ҳам қишлоқ жойларда ривожланиш босқичига киради. Бунга мос равишда турли кластерлар жорий қилинмоқда. Бунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш каби саноатлашган фаолиятлар билан ҳам шуғулланишмоқда. Шу туфайли агросаноатни ривожлантириш масаласи ҳам қишлоқдаги ИРни шунга мос равишда жалб қилишга қаратилган йўналишлардан бирига айланмоқда. Шунингдек, қишлоқлардаги инсон ресурслари агросаноатни ривожлантиришда иштирок этишига киришиши учун шунга мос кадрларни ҳам шакллантириш лозим бўлмоқда. Бу ўз навбатида, ҳар бир ҳудуднинг талабидан келиб чиқиб, бир неча муҳим йўналишларда шуғулланиши кераклигини тақозо қилади.

Навбатдаги йўналиш **замонавий қишлоқ ҳудудларига мос малакали мутахассисларни тайёрлаш**, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш амалиёти бўйича чоралар кўриш ҳам аграр соҳага кадрларни тайёрлаш ишларини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Бу, ўз навбатида, қишлоқ аҳолининг иқтисодий фаоллигини оширишга ва янги иш ўринларини яратиш заруриятини туғдиради. Ҳозирги пайтда қишлоқ ёшлари олий ўқув юртларига кириб ўқиб, диплом олгач, буларга мос иш ўринлари йўқлиги туфайли, улар шаҳарларда қолиб ишлайди ёки бошқа мамлакатларга кетиб ишлашларига тўғри келмоқда. Буларни инобатга олиб, бугунги кунда иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётимизнинг талабидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини жорий қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Ҳозир айрим соҳалар бўйича қишлоқларда кадрлар танқислиги сезилиб туриши билан бирга бир қисм аҳоли ишсиз ҳолатда яшамоқда.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, **қишлоқ жойларда кластерлар билан бирга деҳқонлар орасида кооперацияни ривожлантириш** масаласи ҳам долзарб масалалардан бирига айланди. Айнан шу жараёнда кичик ва ўрта бизнесларни барпо этиш ҳам объектив заруриятга айланмоқда. Шу йўл билан ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг молиявий манбаларга эга бўлади. Кооперациянинг ривожланиши агрокластер-дан фарқли ўлароқ унга қўшилган ҳар бир субъект ўз муликкага ўзи эгалик қилади ва нисбатан мустақил бўлади. Бу эса ҳар бирининг бизнесни ривожлантиришда ўз иштироки таъминланади. Кооперацияда маҳсулот етиштирувчилар билан бирга уни сотиб олиб, сақлаб сотувчилар ҳамкорлиги ташкил бўлади. Бунда маҳсулотлар “Даладан дстурхонгача” босқичда тизимли ишлар амалга оширилади. Тадқиқотчилар ҳисоб-китобига кўра озиқ-овқат маҳсулотларининг йўқотилиши кескин қисқаради. Чунки табиий равишда сақланса озиқ-овқат маҳсулотлари 6 ой давомида 19,2 %ни ташкил қилади. Замонавий совутгичларда сақланса бу кўрсаткич 5,0 %ни ташкил қилади¹.

Замон талабидан келиб чиқиб, **қишлоқ жойларда экологик барқарорликка эришиш** масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда табиий ресурсларни самарали бошқариш ва экотизимларни муҳофаза қилиш борасида белгиланган муҳим вазифаларни тизимли равишда бажарилишини ҳам назорат қилиб бориш лозим бўлади. Ушбу ҳолат қишлоқ ҳудудларида экологик барқарорликни таъминлаш масаласи устувор вазифа эканлигидан далолат беради.

Қишлоқ ҳудудларида соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни инсон

¹ Пардаев М.Қ. Маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2017. - 38 бет.

ресурсларининг замон талабига мослиги ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилмоғи лозим. Бунинг учун ҳам ушбу тадбирларни мукамал амалга оширишни тақозо қилади. Инсон ресурслари соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий хизматлар соҳасида фаол бўлиб, аҳоли учун зарур хизматларни таъминлаши керак. Ҳозирги пайтда аҳолининг касаллигини даволашдан кўра шу касалликларнинг олдини олиш бўйича тегишли чораларни кўриш лозим бўлади. Яна бир йўналиш аҳолининг саломатлигини сақлаш учун табиий маҳсулотлардан, гиёҳлардан тўғри фойдаланишга асосий эътиборни қаратиш ҳам мақсадга мувофиқ. Бу борада мамлакатимизда тегишли тадбирлар бошланган. Турли йўналишдаги табиблар ҳам шаклланган. Буларга мисол тариқасида куйидагиларни, жумладан, И.Р.Аскарлов, А.Маркова, М.Н.Набиев, В.Шальнев, А.Иброҳимов каби¹ инсонларни киритиш мумкин

Бугунги кунда энг муҳим йўналишлардан бири бўлган **қишлоқ ҳудудларида ҳам маънавият ва маърифатни, маданият ва миллий кадриятларни ривожлантиришга** алоҳида аҳамият берилиши лозим. Буни амалга ошириш учун қишлоқларда маданий тадбирларни ўтказиш, бунда қадимги анъаналар ва кадриятларни сақлаш ҳамда уларни ривожлантиришга, ёшларни кадриятларимизга таянган ҳолда замонавий, инновацион дунёқараш орқали маънавий хислатларни оширишга эътиборни қаратиш лозим бўлади. Ушбу йўналишлар ва вазифалар яқин келажакда қишлоқларда аҳоли фаровонлигини ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шаҳарлардаги инсон ресурсларини бошқариш (ИР) соҳасидаги мутахассислар қишлоқдаги мутахассислар билан ўхшаш томонлари билан бирга ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Масалан, ўқитувчилар, шифокорлар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги айрим йўналишлар қишлоқда ҳам шаҳарда ҳам мавжуд. Аммо айрим касблар фақат шаҳарларга оид. Буларга инжинер-механиклар, олий ва ўрта махсус таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчилари, ишчилар ва шаҳарга оид хизматчилар ва бошқа турли соҳа ходимлари асосан шаҳарларда фаолият кўрсатади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қишлоқ учун ҳам кадрлар асосан шаҳарларда жойлашган олий ва ўрта махсус таълим ташкилотлари тамонидан тайёрланади. Демак, агросервис хизматларининг сони ва сифати ҳам шаҳар билан ҳам боғлиқликлари борлигини эътироф этиш лозимдир.

Хулоса ва таклифлар. Қишлоқ ҳудудларида агросервис хизматларини кўрсатувчи инсон ресурслари фаолиятини такомиллаштириш борасида олиб борилган тадқиқотлар бир қанча хулосалар чиқаришга илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишга асос бўлди.

Биринчидан, қишлоқ ҳудудларида агросервис хизматларини кўрсатувчи инсон ресурслари фаолиятини такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланишни учун инсон ресурсларини замонавий қишлоқ ҳудудларига мос малакали мутахассисларни тайёрлаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун уларнинг қишлоққа хос билим ва кўникмаларини ошириш ҳам лозим бўлади.

Иккинчидан, қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган агрокластерлар билан бирга дехқонлар орасида кооперацияни ривожлантириш масаласига ҳам эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу масаланинг долзарблиги шундаки, ҳамма битта кластер раҳбарига тобе бўлмасдан, ҳаммаси мустақил бўлиб, фақат фаолият самарадорлигини оширишда бирлашади. Шу йўл билан синергетик самарадорликка ҳам эришади.

Учинчидан, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, қишлоқ жойларда экологик барқарорликка эришиш билан бирга соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни ҳам ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Шу йўл билан инсон ресурсларининг қишлоқ ҳудудлар талабига мослиги ва уларнинг шу ерда фаолият кўрсатишга эҳтиёжи сақланиб қолади. Бу қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш имкониятини ҳам яратади.

Тўртинчидан, бугунги кунда қишлоқ ҳудудларида ҳам энг муҳим йўналишлардан бири бўлган маънавият ва маърифатни, маданият ва миллий кадриятларни

¹ И.Р.Аскарлов. Сирли табобат. «Fan va texnologiyalar nashiriyoy-matbaa uyi» нашриёти, 2017. - 1084 бет., Травник:золотые рецепты народной медицины /Сост. А.Маркова: - М.: Эксмо; Форум, 2007. 928 с.Малахов Г.П.Целительные силы. 1-3 том. – СПб.: ИК “Комплекс”, 1996.- 356, 307, 236 бетлар. Набиев М.Н. ва бошқалар. Шифобахш неъматлар. / М.Набиев, В.Шальнев, А.Иброҳимов – т.: Мехнат, 1989. – 192 бет. ва ҳ. к.

ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки аграр соҳанинг сақланиб қолиши миллий кадриятларимиз билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги пайтда кадриятларимизнинг сақланиб қолиши долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки кадрияти йўқ миллатнинг қадри бўлмайди. Шу туфайли мазкур масала кун тартибидаги муҳим масалалар сирасига киради.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу илмий-амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга кишлоқ хўжалигида банд бўлган инсон ресурсларини замонавий талабларга жавоб берадиган даражага кўтарилишига, шу асосда агросервис хизматларини ҳам такомиллаштиришга олиб келади. Булар пировардида аҳоли фаровонлигини оширишнинг “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган кенг кўламли стратегик вазифаларни бажариш имкониятларини яратади.

Ф.Абилов	F.Abilov
<p style="text-align: center;">Совершенствование деятельности человеческих ресурсов, оказывающих агросервисные услуги в сельской местности</p> <p>Аннотация. В статье рассматриваются вопросы совершенствования деятельности человеческих ресурсов, оказывающих агросервисные услуги в сельской местности. Учитывая, что размещение кадровых ресурсов в регионах также имеет особое значение при реализации агросервисных услуг, представлен анализ данных о темпах роста численности постоянного населения в Республике Узбекистан и Самаркандской области и изменении численности сельского населения в ней за 2010–2024 годы. Также рассматриваются вопросы повышения квалификации кадровых ресурсов в сфере агросервиса.</p> <p>Ключевые слова: сельская местность, городская местность, агросервисные услуги, кадровые ресурсы, постоянное население, сельское население, экологическая устойчивость, образование, здравоохранение, агрокластеры.</p>	<p style="text-align: center;">Improvement of the activities of human resources providing agricultural services in rural areas</p> <p>Abstract. The article considers the issues of improving the activities of human resources providing agro-services in rural areas. Considering that the placement of human resources in the regions is also of particular importance in the implementation of agro-services, an analysis of data on the growth rate of the permanent population in the Republic of Uzbekistan and the Samarkand region and changes in the rural population in it for 2010-2024 is presented. Issues of improving the qualifications of human resources in the field of agro-services are also considered.</p> <p>Keywords: rural areas, urban areas, agro-services, human resources, permanent population, rural population, environmental sustainability, education, health care, agroclusters.</p>

Нажмиддин Раҳматуллаевич Абдувоҳидов – СамИСИ мустақил изланувчиси,
Самарқанд вилояти солиқ бошқармаси ходими

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИШ ҲАМРАФИНИ ЯРАТИШДА СОҲТА ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

<p>Аннотация. Мақола хизмат кўрсатиш соҳасида иш ҳамрафини яратишда соҳта иқтисодиёт ва уни бартараф этишнинг амалий йўналишлари қараб чиқилган. Бунда муаллиф томонидан Самарқанд вилоятидаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги субъектларда расмий бандликни таъминлашда йўл қўйилаётган соҳта иқтисодиёт ва уни бартараф этишнинг амалий йўналишларига эътибор қаратилган. Шунингдек, расмий сектордаги иш ҳамрафини расмийлаштиришдаги соҳта кўрсаткичларни бартараф этиш бўйича ўз амалий таклиф ва хулосалари ҳам баён этилган.</p> <p>Калит сўзлар: расмий сектор, яширин иқтисодиёт, соҳта(қалбаки) иқтисодиёт, расмий ва норасмий бандлик, ўзини-ўзи банд этиш, иқтисодиётда қўшиб ёзиш, солиқ ва статистик ҳисоботлар.</p>

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-366-сонли қарори билан Республикамизда 2022-2026 йилларда норасмий бандлик улушини

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.09.2025 йилда теришга берилди. 26.09.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{8}$. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0054А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.